Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 67 (6. 856) 1989 йил 21 март, сешанба. Баҳоси 3 тийин

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

# Халқ ишончини оқлаш—бахт

⊙ **НОМЗОДНИНГ САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИ:** Муаммоларнинг илдизи қаерда? Биз биринчи навбатда мана шу саволга жавоб топа билишимиз керак, — дейди депутатликка номзод Қодир Фозилович Фозилхўжаев. — Биласиз, пахта монокультурага айланиб қолди. Натижада боғлар, узумзорлар, сабзавот майдонлари камайиб кетди. Ахир халққа пахта қатори бошқа маҳсулотлар ҳам керакку! Ўйлайманки, бу ҳақда чуқур мушоҳада юритадиган вақт етди.

Ёки шаҳар қурилишини олайлик. Кўплар Тошкент тенг план асосида қурилмоқда, деб жар солишяпти. Бу гап тўғрими? Менимча, йўқ. Бунинг учун пойтахтимизнинг янги ва эски шаҳар қисмини бир-бирига таққослаб кўрайлик. Шунда ҳамма нарса аён бўлади-қўяди.

Пенсионерларга яратилаётган шароитчи? Тўғри, пенсионерлар магазинларга бириктилган. У ердан ўзлари учун зарурий харажатларни қилишади. Лекин биргина шу билан иш битадими? Уларнинг халқ бахт-саодати учун қандай курашганларини эсласак, бу кексалар олдида ҳали кўп қарздор эканлигимизни ҳис этамиз. Меҳнат қилишга қодир бўлган кексаларни иш билан таъминлаш керак. Шундай қилайликки, улар меҳнатларига яраша ҳақ ҳам олишсин, пенсияларини ҳам тўлиқ олишсин...

**⊙ 596-Тошкент—Акмал Икромов территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори, профессор Қодир Фозилович Фозилхўжаев. 1930 йили Тошкент областининг Калинин районида туғилган, ўзбек. 1950 йили Тошкент Давлат университетини тамомлагач, ўз меҳнат фаолиятини Жиззах районидаги В. И. Ленин номли мактабда ўқитувчилик касбидан бошлади.**

**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтида аввал кичик илмий ходим, кейин катта илмий ходим бўлиб ишлади. Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти Правлениеси президиуми раисининг ўринбосари, сўнгра биринчи ўринбосари бўлди.**

**1976 йилдан шу кунгача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.**

Агар депутатликка сайлансам, ҳар бир коллективда, районимизда, турар жой кварталлари ва маҳаллаларимизда кўпгина соҳаларда тартиб ўрнатиш бўйича иш олиб бораман. Ўзимнинг бутун куч-ғайратимни, билимимни сайловчиларимизнинг бахт-саодати учун, тинчлиги учун бағишлайман ва халқ манфаати йўлида хизмат қиламан.

Яқин келажакда депутатлар кўпдан-кўп қийин муаммоларни ҳал қилишлари керак. Буларнинг асосийси, менимча, халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўйишдир. Озиқ- овқат маҳсулотлари танқислиги айниқса Ўзбекистонда жуда сезилиб туради. Биз гўшт, сут маҳсулотлари, картошкани иттифоқдаги ўртача миқдорга қараганда 2—3 марта кам истеъмол қиламиз. Бу етмагандек, товарларнинг баҳоси ёмғирдан кейин ўсган қўзиқоринлардек тинмай ўсиб бораяпти... Ўзбекистон бозорларидаги нарх-наволарнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ билан бир хилда бўлганлигини ҳеч кўрганмисиз? Олмалар — 3—4 сўм, анорлар — 5 сўм, картошка 1 сўм. Бу ҳозирда шундай, апрель-май ойларида қандай бўларкин?

Агарда бизда 5 миллион кишининг салкам 80 сўм ойлик олишини, пенсионерларнинг ойига 100 сўм, қолган 40 фоизи эса 60 сўмдан камроқ пенсия олишини ҳисобга олсак, аҳолининг харид қилиш қобилияти қанчалик пастлиги аён бўлади. Бундай шароитда республикамизнинг экин майдонлари структурасини синчиклаб ўрганиш ва пахта монокультурасини йўқотиш керак. Монокультура — бизнинг кулфатимиз. Озиқ-овқат масаласи ҳал қилинмаётганининг сабаби ҳам шунда...

Ҳа, номзод халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, аҳоли яшайдиган жойларни обод қилиш, маданий-маиший, транспорт, спорт, медицина хизматини йўлга қўйиш ҳақида бош қотирмоқда. Одамлар учун биринчи навбатда зарур муаммоларни ҳал этиш, табиат ва атроф-муҳитнинг мусаффолиги учун курашда жонбозлик кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Уруш ва меҳнат ветеранлари, айниқса хотин-қизлар меҳнати ва дам олиш шароитларини ҳозирги талаблар даражасига кўтаришга кўмаклашиш, ёшлар тарбиясига эътибор бериш, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган ҳар қандай нуқсонларга қарши аёвсиз ўт очиш сингари кишиларнинг тили ва дилидаги муаммоларни ҳал этишда куч-ғайрати, билими, ташкилотчилик қобилиятини ишга солишни энг муҳим вазифалари деб билади. Шунинг ўзи ҳам номзоднинг халқ ишига бел боғлаганлигидан далолат бериб турибди.




**Киров районидаги 1-музика мактаби биносида 1/52-сайлов участкаси жойлашган. Ҳозир бу ерда иш жуда қизғин. Участка сайлов комиссияси ҳузурига турли масалалар юзасидан маслаҳат сўраб келаётганлар кўп. 20 нафар пропагандист сайловчиларнинг барча саволларига жавоб бермоқда. Негаки, ахборот маркази ҳам шу ерда жойлашган. Бу сайлов участкасида 2 минг сайловчи муносиб халқ вакилларига ўз овозларини беришади. Биринчи марта овоз берувчи учун махсус стендлар ташкил қилинган.**

**Депутатликка номзоди кўрсатилганлар билан учрашувлар ўтказилмоқда.**

**Суратларда: участка сайлов комиссияси секретари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика институти катта инженери Надежда Терентьевна Пономарёвна шу институт лаборанти, пропагандист Миробид Қўчқоров билан сайловчилар рўйхатини яна бир бор синчиклаб кўздан кечиряпти; Сайлов участкасига келган «Узбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими Аҳмаджон Пўлатовни қизиқтирган саволларига шу институт инженери С. Г. Яфуняева жавоб бермоқда.**

**Ҳ. Мирзакаримов фотолари.**




# Сиз овоз беришга келдингиз

**Марказий сайлов комиссиясида ТАСС мухбирига маълум қилишларича, СССР халқ депутатлари сайлови куни — 1989 йил 26 мартда ҳар бир сайловчи овоз бериш учун ажратилган хонага келиб, участка сайлов комиссиясининг аъзоларидан сайлов бюллетенларини олади. СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонуннинг 52-моддасига мувофиқ ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди.**

**Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг рўйхати асосида бюллетенларни ёхуд шахсни тасдиқловчи паспорт ёки бошқа ҳужжат кўрсатилгач, сайлаш ҳуқуқини берадиган гувоҳномаларни топширади. Одатда ҳар бир сайловчига иккита бюллетень: бири — оқ рангда (территориал сайлов округидан ўтказиладиган сайловга), иккинчиси — зангори рангда (иттифоқдош республика миллий-территориал сайлов округидан ўтказиладиган сайловга) берилади. Автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округларда сайловчи учинчи — пушти рангда (автоном республика, автоном область, автоном округ миллий-территориал сайлов округидан ўтказиладиган сайловга) бюллетенни ҳам олади. Бир неча тиллардаги сайлов бюллетенларига эга бўлган участка сайлов комиссияси сайловчиларга уларнинг илтимосига кўра тегишли тилдаги бюллетенларни беради. Сайлов бюллетенлари берилганлиги тўғрисида сайловчиларнинг рўйхатига белги қўйилади.**

**СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун ялпи сайлов ҳуқуқи гарантиясини таъминлаш мақсадида шуни кўзда тутадики, айрим сайловчилар бетоблиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун бинога кела олмайдиган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг айрим аъзоларига ана шу сайловчилар турган жойдан овоз беришни уюштиришларини топширади (42-модда).**

**Овоз бериш учун ажратилган биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланади. Бунда сайлов қутилари шундай ўрнатилиши керакки, овоз берувчилар ана шу қутилар ёнига боришдан олдин яширин овоз бериш учун албатта кабина ёки хоналар орқали ўтишлари лозим.**

**Овоз берувчи киши сайлов бюллетенларини олиб, яширин овоз бериш учун кабина ёки хонага киради ва бу ерда бюллетенларни тўлдиради, яъни қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини бюллетенлардан ўчириб қўяди, бунда кабинада овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади. Айни вақтда қонунда бюллетенларни мустақил тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра кабина ёки хонага сайлов комиссиясининг аъзосидан ташқари бошқа кишини таклиф этишга ҳақли эканлиги кўзда тутилган.**

**Сайлов бюллетенига ёки ундан кўпроқ депутатликка номзод киритилган ҳолларда сайловчи ўзи овоз бераётган фақат битта депутатликка номзоднинг фамилиясини қолдириб, бюллетендаги бошқа барча номзодларнинг фамилияларини ўчириб қўйиши керак. Агар бюллетенда депутатликка номзодларнинг ҳаммасининг фамилияси ўчириб қўйилган бўлса, сайловчи уларнинг ҳар бирига қарши овоз берган, деб ҳисобланади.**

**Сайлов бюллетенига депутатликка бир номзод киритилган ҳолларда сайловчи ёқлаб овоз берган тақдирда бюллетенда унинг фамилиясини қолдиради ёки қарши овоз берган тақдирда номзоднинг фамилиясини ўчиради.**

**Шуни назарда тутиш керакки, овоз бериш чоғида депутатликка биттадан кўпроқ номзод қолдирилган сайлов бюллетенлари ҳам ҳақиқий эмас, деб топилади. Белгиланмаган бюллетенлар ҳам ҳақиқий эмас, деб топилади. Мазкур сайлов округидан депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмаган ва сайлов бюллетенига қўшимча ёзиб қўйилган шахсларнинг фамилиялари овоз бериш якунларини чиқариш чоғида ҳисобга олинмайди.**

**Овоз берган киши тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.**

Тошкент шаҳар партия комитетининг бўлажак пленуми олдидан

# ПЛАННИ БАЖАРИШ КИФОЯМИ?

**Тошкент шаҳар партия конференциясида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, айниқса макарон ва кондитер маҳсулотлари етказиб бериш талаб даражасида эмаслиги, харидорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётгани таъкидлаб ўтилди. Шаҳримиздаги булка-кондитер комбинатида айтиб ўтилган камчиликларни тугатиш борасида қандай ишлар қилиняпти? Белгиланган режаларни амалга оширишда қандай қийинчиликлар ва муаммолар туғиляпти? Мухбиримизнинг комбинат бош инженери Х. А. Абдушукуров билан суҳбати ана шу хусусда бўлди.**

— Давр ҳар бир иш жойида янгиланишга эришишни тақозо этяпти. Қайта қуриш шароитида фаолият юритиш қанчалик оғир бўлмасин, унинг натижалари эртанги кунимиз янада яхши бўлишидан далолат беряпти. Корхонамизда эришилган ютуқларни рақамлар билан санаб ўтмоқчи эмасман. Лекин 1987 йилга нисбатан 752 тонна булканон маҳсулотлари, 748 тонна макарон маҳсулотлари кўп ишлаб чиқарилгани самарадорликка эришаётганимизга далил бўла олади.

Умуман комбинатимизда 25 турда нонбулка, 100 га яқин кондитер ва 16 турда макарон маҳсулотлари тайёрланади. Бир сутка давомида 200 тоннага яқин булка-кондитер ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Албатта, бу 3—4 йил аввалгига қараганда анча кўп. Лекин, шунча миқдордаги маҳсулотлар билан шаҳар аҳолиси ва меҳмонларни тўлиқ таъминлаб бўлмаслиги равшан. Ҳамма корхона, цехларимизда иш уч сменада ташкил этилган.

Ҳаёт тақозоси комбинатимизда ишлаб чиқарилаётган булка-кондитер ва макаронларнинг салмоғини оширишни талаб этмоқда. Шу ўринда цехларимизнинг қуввати ва имконияти ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Юқорида айтиб ўтганимдек, асосий линияларимиз узлуксиз равишда ишлайди. Макарон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехларимиз тўлиқ қувватда ишлаяпти. Уларнинг қувватини янада ошириб, маҳсулот салмоғини кўпайтириш учун фақат янги линиялар ўрнатиш керак бўлади. Нон-булка маҳсулотларини тайёрлаш миқдори келаётган буюртмаларга асосан белгиланади. Шаҳримизда нон-булка ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг кўплиги учун ҳозирча цехимизда янги қувватларни ишга тушириб, имкониятлар излашга эҳтиёж сезилмаяпти.

Кейинги пайтларда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатига нисбатан эътирозлар анча камайди, бироқ уларни харидорга етказиб беришдаги эстетик жиҳатлари, яъни қадоқлаб чиройли қутиларга солиш, қоғозларга ўраш каби томонлари ҳақли шикоятларга сабаб бўляпти. Марказий шаҳарлар, Болтиқбўйи республикаларида макарон ва вермишеллар 200 граммдан 1 килограммгача қилиб чиройли безалган картон қутичаларга солиб қўйилади, ширинликлар ҳам шундай. Бизда эса шунинг имконияти йўқ. Этикетка расмлар учун шаҳримизда махсус офсет босмахона йўқ. Харидорга маҳсулот чиройли рангли расмлар туширилган қутичаларда етказилса, улар ўзлари истаган миқдорда 200 грамм, 300 грамм ёки 1 килограммни сотиб олишса қандай яхши. Яна бир томони, қутичаларда маҳсулотлар узоқ вақт сифатини йўқотмасдан сақланади.

Корхоналаримизда тайёрланадиган булочка, ширинликларни ишлаб чиқариш жараёнида 100 га яқин турдаги масаллиқлар зарур бўлади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам доим топилавермайди. Кейинги пайтда майиз ва долчинни керакли миқдорда ололмаяпмиз. Шунингдек, ёнғоқ, бодом, кунжут, какао талқони кабилар ҳам танқис бўлиб қолди. Биз Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмасидан шоколад қиёмини оламиз. Бизга жуда зарур бўлган бу қиёмни бирлашма ўз вақтида етказиб бермаяпти. Эҳтиёжимизни қондиролмаётгани сабабли ўтган йили Одесса кондитер фабрикаси билан шартнома тузиб, ўша ердан оляпмиз. Майиз учун Самарқанд консерва заводига боришга тўғри келяпти.

Келгусида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғини ошириш мақсадида реал режалар тузиб олдик. 1989—1990 йилларда белгиланган пландан ташқари 3 минг тонна макарон ва минг тонна кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Аҳоли кўплаб талаб этаётган тухум аралаштирилган макарон тайёрлайдиган линия ёнига яна биттаси ўрнатилади. Италияда ишлаб чиқарилган тўла автоматлашган бу линия бир суткада 30 тонна макарон ишлаб чиқаради. Шу ўринда баъзи маҳсулотларнинг таннархи ошиб, фойда ўрнига зарар келтираётганини айтиб ўтмоқчиман. Тайёрланаётган ҳамма турдаги нонбулкалардан келаётган даромад харажатни қопламаяпти, зарар келтирмоқда. Шунинг учун ҳам маҳсулотларнинг янги турларини ўйлаб топишга ҳаракат қиляпмиз.

Аҳолининг эҳтиёжини ҳисобга олиб, бозори чаққон маҳсулотларни тайёрлашни кўпайтиряпмиз. Сули унидан тайёрланаётган печеньега талаб катта. Ҳозир кунига 3 тонна ана шундай печенье тайёрланяпти. 5-цехимизда янги линия ишга тушгач, суткасига 8 тоннадан печенье тайёрлашга эришамиз.

Комбинатимиздаги мавжуд цехларнинг энг замонавий, янги қурилгани 20 йил илгари ишга туширилган. Цехларни кенгайтиришнинг имкони йўқ. Эски биноларда эса замонавий техникаларни ўрнатишга шароит етарли эмас. Шунинг учун ҳам бор имкониятни ишга соляпмиз.

Шаҳар партия комитетининг бўлажак пленумида озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш ва аҳолига етказиб бериш масаласи муҳокама қилинаётгани сабабли пленум минбарига бир-икки оғиз фикр айтмоқчиман. Шаҳар аҳолисини, меҳмонларни булка-кондитер ва макарон маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, талаб, эҳтиёжини тўла қондириш учун замонавий техника воситалари билан жиҳозланган катта ҳажмдаги комбинат қуриш зарур.

**Суҳбатни**
**С. ШАМСИДДИНОВ ёзиб олди.**

## Тонгги газеталарда

**⊙ «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатларига наказлар тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 15 мартдаги қарори;**

**КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодларнинг сайловолди учрашувларида айтилган наказлар;**

**«Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловининг натижалари тўғрисида» КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясининг ахбороти эълон қилинган.**

## Марҳабо, Наврўзи олам!

# Умрбоқийлик

**Эгилган бошларни**
**қилич кесмади,**
**Нафрат ёғилмади**
**тани тўшига.**
**Тарих битиклари**
**тағин ўқилди,**
**Одамзот бугун келди**
**ҳушига,**
**Наврўзим, муборак**
**умрбоқийлик!**
**Бани башар мулки,**
**қадим Шарқ мулки,**
**Топталиб кетмади,**
**хайрият, шукур,**
**Кексалар лабида**
**табассум, кулки,**
**Адолат тулпори**
**учқурдан учқур,**
**Наврўзим, муборак**
**умрбоқийлик!**
**Ял ёниб сен келдинг,**
**тоғлар тўшига,**
**Сеп ёздинг майсадан**
**поёндоз бўлиб.**
**Заминни аллалаб,**
**дилни қитиқлаб,**
**Боғларни тўлдирдинг**
**очилиб, тўлиб,**
**Наврўзим, муборак**
**умрбоқийлик!**
**Сумалак тортишсин**
**ним косаларга,**
**Ваҳорий уфордан**
**яйрасин тиллар.**
**Ғурур ва ифтихор,**
**соғлик қадаҳин,**
**Муҳрлаб бонг чалсин**
**беғубор диллар.**
**Наврўзим, муборак**
**умрбоқийлик!**
**Бойчечак баргидан сен**
**таққин сирға,**
**Қизлар дудоғидан**
**олақол ўпич,**
**Умид учқунларин**
**улашиб бирга,**
**Қалбларда қолмасин**
**заррача ўкинч,**
**Наврўзим, муборак**
**умрбоқийлик!**
**Ўчоқнинг бошида**
**нуроний кампир,**
**Исмалоқ ҳидидан маст**
**эрур шу дам.**
**Қирларда сорбургут**
**кўзлари шамшир,**
**Янги йил, қутлайман,**
**маҳбубам, эркам,**
**Наврўзим, муборак**
**умрбоқийлик!**
**Мажнунтол эшилиб**
**сени кутмоқда,**
**Бир ҳовуч сочлари**
**сувга чўмилиб.**
**Шўх қизлар гул тўла**
**қўлин тутмоқда,**
**Сен келдинг ўргулиб,**
**нурга кўмилиб,**
**Наврўзим, муборак**
**умрбоқийлик!**

**Ҳусанжон АМИНОВ.**

## Яхши удумларимиз

Ўтган якшанба куни Йўлдош Охунбобоев номидаги Халқлар дўстлиги орденли Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Студентлар шаҳарчаси спорт майдонида пахтани дастлабки ишлаш, механика, кимё-технология, инженер-иқтисодчи ва тўқувчилик-трикотаж факультетлари талабаларининг баҳор байрами Наврўзни нишонлашга бағишланган бадиийлаштирилган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Наврўз байрами тантаналарида институт ва факультетлар раҳбарлари, партком аъзолари, хотин-қизлар Совети, Наврўзни нишонлаш комиссияси аъзолари, профессор-ўқитувчилар коллективи, Студентлар шаҳарчаси атрофидаги маҳаллалар вакиллари, шоирлар қатнашдилар. Обиджон Муҳамедов раҳбарлигидаги институт ансамбли ижро этган дилрабо куй ва қўшиқлар байрам файзига янада файз қўшди.

Ўша куни қардош қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва қорақалпоқ халқларининг, шунингдек Афғонистон Республикаси вакилларининг дил сўзлари, қўшиқлари ҳам янгради.

Тантаналар давомида талабалар томонидан дастурхон ёзилди. Баҳор кўкатларидан тайёрланган таомлар, турли ширинликлар конкурси ўтказилди.

**И. ҲАЙИТОВ,**
**тарих фанлари кандидати, КПСС тарихи кафедраси доценти, институт кўпнусхали «Тўқимачи» газетаси редактори.**

## Маҳаллада тантана

Акмал Икромов районидаги «Оқтепа», «Кўкча» ҳамда «Иқтисод» маҳаллаларида Наврўзни кутиб олишга бағишланган йиғилишлар ва тантаналар бўлиб ўтди. Унда ушбу маҳаллаларнинг нуроний отахонлари, табаррук онахонлари бош-қош бўлишди. Қозонларда сумалаклар, тандирларда кўк сомсалар ёпилди. Эрталабдан бошланган бу баҳор байрами кечгача давом этди. Дилрабо куй ва қўшиқлар барчанинг кўнглини шод этди.

**Д. ИСЛОМОВА.**

**⊙ Наврўзи оламга бағишланган материалларни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз.**

*Об-ҳаво ва саломатлик*

**21 МАРТДАН 26 МАРТГАЧА**

**Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтанинг бошларида ёғингарчиликсиз иссиқ кунлар сақланиб туради. Кечаси 4—9, кундузи 17—20 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг ўрталарида жанубдан циклонларнинг, сўнгра иттифоқимизнинг Европа территориясидан совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши кутилади. Натижада об-ҳаво ўзгаради. Ёмғир ёғиб, қорга айланиши мумкин. Ҳарорат пасаяди. Кечаси 0—5 даража совуқ, кундузи 2—7 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг охирига бориб ёғингарчилик тўхтайди. Ҳаво ҳарорати яна кўтарила бошлайди.**

**Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормадан салқин келиши кутилади.**

**Н. А. Семашко номидаги реабилитация ва жисмоний терапия илмий-тадқиқот институтининг медик об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларининг фикрига қараганда об-ҳавонинг кескин ўзгариши, ёғингарчиликлар, атмосфера босимининг кескин тебранишлари, ҳаво ҳароратининг пасайиши нохуш иқлимга хос спастик таъсир ўтказади. Бундай вазиятда об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан барча группадаги беморлар устидан медицина назоратини кучайтириш лозим бўлади. Бунда юракнинг ишемик хасталиги, қон-томирлар ва бош миянинг яллиғланиш хасталиклари, ўпка хасталиклари бўлган беморларга айниқса эътибор бериш керак.**

**Бундай об-ҳаво шароитлари учун асабийлашиш, уйқусизлик, бош оғриғи, юрак ва бўғинларда оғриқ пайдо бўлиши характерлидир. Жароҳатланган ички органларда спастик характердаги оғриқ пайдо бўлиши, нафас олиш қийинлашиши мумкин. Бўғин хасталиклари, ревматоидли полиартрит ва подагра хасталиги бўлган беморлар оғриқ сезишади. Қон босими бўлган беморларнинг қон босими кўтарилади.**

**Юрак-қон томир хасталиклари бўлган беморлар профилактика мақсадида даволовчи врачга мурожаат этишлари, уларнинг тавсияси билан қон босимини мўътадиллаштирувчи ва оғриқни қолдирувчи дори-дармонларни қабул қилишлари керак. Бўғин ва периферик асаб системаси хасталиклари бўлган беморлар тегишли комбинацияларда оғриқни қолдирувчи препаратларни қабул қилишлари лозим.**

**Об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан барча беморларга антивазоспастин препаратини қабул қилиш, оёқни иссиқ ваннага солиш, эрталаб ва кечқурун бош ва бўйин атрофини массаж қилиш тавсия этипади.**

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

# ЖУРНАЛГА—ЯНГИ НОМ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Совет Ўзбекистони санъати» журнали шу ном билан 1978 йилдан буён нашр этилмоқда ва Ўзбекистон ССРнинг санъат соҳасидаги ютуқларини пропаганда қилмоқда, санъатнинг ҳамма турлари ва жанрларидаги муаммоларни, шунингдек эстетик тарбия масалаларини ёритмоқда.

Айни вақтда республикада номи мазкур нашрга ўхшаш бир қанча газета ва журналлар чиқмоқдаки, бу газетхон ва журналхонларни чалғитади ва муайян чалкашлик туғдиради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бундай қарор қилди:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг номи ўзгартирилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Санъат» журнали деб юритилсин.

